

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ТАЪЛИМОТИДА ТАРБИЯЧИ ВА ТАРБИЯЛАНУВЧИ МУНОСАБАТЛАРИ МУАММОСИ

Хуснора Эшкuvatовна Маматова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

АННОТАЦИЯ

Мақолада тарбиячи ва тарбияланувчи муносабатлари муаммосига доир Шарқ мутафаккирларининг таълимотлари, тарбиячига қўйилган талаблар ёритилган. Тарбиячи ва тарбияланувчилар муносабатини самарали ташкил этишга оид психологик-педагогик тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: интеллектуал, эстетик, ахлоқий, маҳорат, педагогик этика, репродуктивлик, имитация, новаторлик, тренинг, фантазия, импровизация.

THE PROBLEM OF RELATION BETWEEN TEACHERS AND LEARNERS ACCORDING TO STUDYING OF GREAT ANCESTORS

Husnora Eshkuvatovna Mamatova

Master student in Pedagogy and Psychology, CSPI

ABSTRACT

The article describes the teachings of Eastern thinkers on the problem of the relationship between the educator and the student, the requirements for the educator. Psychological and pedagogical recommendations are given for the effective organization of the relationship between educators and students.

Keywords: intellectual, aesthetic, ethics, skill, pedagogical ethics, reproduction, imitation, innovation, learning, fantasy, improvisation.

КИРИШ

Жамиятда шахснинг шаклланиши ва ижтимоий муносабатга кириши ёшликдан яъни мактабгача болалик давриданок бошланади. Бу даврда боланинг қизиқиш ва қобилиятлари шаклланиб боради. Болаларнинг келажакда баркамол шахс бўлиб етишишлари борасидаги вазифаларга психологик нуқтаи назардан ёндашиш лозим. Шунингдек, болалар таълим-тарбиясида тарбиячи ва тарбияланувчи муносабатларининг самарали йўлга қўйиш долзарб муаммо саналади.

Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонунининг 39-моддасида мактабгача таълим ташкилотлари

педагог ходимларининг мажбуриятлари белгиланган бўлиб, болаларга профессионал даражада таълим ва тарбия бериш, педагогик этикага риоя этиш, боланинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, болаларни зўравонлик кўринишларидан ҳимоя қилиш уларни ватанпарварлик, меҳнатга, қонуний вакилларига ҳурмат билан ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш каби вазифалар берилган [1].

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш кўрсатилган[3]. Мазкур вазифаларни амалга оширишда тарбиячидан юқори педагогик маҳорат, билим ва тажриба талаб этилади. Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришда буюк аждодларимизнинг таълимотларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тарбиячи шахсининг ёш авлодни камолотга етказиш, унинг зарурий касбий тайёргарликка эга бўлиши ҳақидаги қарашларни Шарқ мутафаккирлари томонидан илгари сурилган илмий-педагогик ғоялар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Шарқда буюк алломалар Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний бошқалар томонидан ҳар томонлама ривожланган, руҳий ва жисмоний жиҳатдан соғлом, илмий билимларни ўзлаштира олган шахсни тарбиялаш ғояси илгари сурилган ва асослаб берилган.

Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий таълим-тарбия жараёнида савол-жавоб, кўргазмали-тажриба методлари, билим беришнинг турли воситаларини, малака ва кўникмаларни шакллантириш методларидан фойдаланган. Мактабгача таълим жараёнида тарбиячи болалар билан савол-жавоб, ўқув материалларини ўзлаштиришда кўргазмали методларни қўллаши шу билан биргаликда улар билан муносабатда адолатли ёндашувни ҳам амалга ошириши лозим. [7;79-80-б].

Абу Наср Форобий таълим-тарбияда рағбатлантириш, одатлантириш, мажбур этиш методларини илгари сурган. У таълимда барча фанларнинг назарий асослари ўрганилса, тарбияда маънавий-ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўрганилади, бу муҳим вазифалар тажрибали тарбиячилар томонидан турли методлар ёрдамида амалга оширилишини таъкидлайди [7;83-б].

Абу Райхон Беруний маърифат даражаси ва билимдонлик даражаси, кишиларни мулоҳоза юритиш ҳолати тўғрисида билдирган фикрида ҳар бир нарсани аниқ, синчиклаб ўрганиш, билишни, шундан сўнггина бир хулосага келишни тавсия қилади, тажрибага асосланишни алоҳида уқтиради [4;24-б].

Абу Али ибн Сино тарбиячи болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш, таълимда турли шакл ва методлардан фойдаланиш, болаларнинг алоҳида шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш методларидан фойдаланиш лозимлигини илгари суради. Айниқса мактабгача таълим ёшдаги болалар билан муносабатда уларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Ш.Шодмонова томонидан тарбиячига қўйилган талаблар ишлаб чиқилган. Унинг фикрича “бола шахсини шакллантиришда тарбиячи алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, ҳар бир боланинг шахс сифатида шаклланишида жавобгар эканлигини тақозо этади. Шунга кўра тарбиячи болаларга кундалик ҳаётда, ўйинларда, машғулотларда, биргаликдаги меҳнат фаолиятида, улар билан бўладиган муомалада, мулоқотда ибрат, намуна бўлиши болани ҳар томонлама диққат билан ўрганиши, унинг шахсий хусусиятларини, қобилиятларини билиши, педогогик назокатини намоён қилиши, болаларнинг хулқ-атвори иш натижаларини ҳаққоний баҳолаши ва уларга ўз вақтида ёрдам кўрсата олиши ҳамда оилавий аҳволи билан қизиқиши зарур ҳисобланади [6;31-32- б].

Тарбиячи мактабгача таълим ташкилотига янги келган болалар билан илиқ муносабатда бўлиши лозим. Унга кўпроқ эътибор бериш, яхши муомалада бўлиш керак, шунда бола мактабгача таълим ташкилоти муҳитига тезроқ кўникади. Агар тарбиячи янги келган болаларга машғулотлар давомида яхши мулоқотда бўлса, қолган болалар ундан ўрганадилар. Тарбиячи болалар билан дўст сифатида муносабатда бўлса, бундай гуруҳ уюшган бўлади, бир-бирлари билан илиқ муносабатда бўлишни ўрганадилар.

Юқорида келтирилган таълимотлардан келиб чиқиб, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси тарбияланувчилар билан тўлақонли муносабат ўрнатишда уларнинг психологик ёш хусусиятларини пухта билиши ва индивидуал ёндашувини амалга ошириш лозим деган хулосага келиш мумкин.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳар бир бола ўз хулқ-атвориغا, характерига эга. Болаларни тарбиялашда уларнинг ана шу ўзига хусусиятларини ҳисобга олиш ва ўрганиш ниҳоятда мураккабдир. Тарбиячи педагогик - психологик мулоқот жараёнининг фаол

иштирокчиси сифатида ўзида бир қатор сифатларнинг таркиб топишига эришиши зарур. Чунончи, у энг аввало, мулоҳазали, босиқ, вазиятни тўғри баҳолай оладиган, мавжуд зиддиятларни баратараф этишнинг уддасидан чиқа олиши зарур. Тарбияланувчи, ота-оналар ҳамда ҳамкасблари билан мулоқот жараёнида фикрини аниқ ва тўла баён этилишига аҳамият қаратиши мақсадга мувофиқ. Улар билан муносабат жараёнида сўзни салбий ҳолатлар ҳақидаги далилларни келтиришдан эмас, аксинча, тарбияланувчи (ёки ҳамкасби, ота-оналар)нинг муваффақиятларини эътироф этиши, уларнинг янада бойишига ишонч билдириши у билан тиллаша олишига имкон беради. Мулоқот жараёнида тарбиячининг сўзларидан суҳбатдошига нисбатан хайрихоҳлик, самимийлик, дўстона муносабат сезилиб туриши, шунингдек, имкон қадар кўтаринки кайфиятда бўлиши зарур [5; 34- 6].

Мактабгача таълим ташкилотида дастлабки педагогик фаолиятини бошлаган тарбиячилар ўзини касбий жиҳатдан такомиллаштириш йўлида бир қатор шартларга амал қилиши талаб этилади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Мустақил ўқиб-ўрганиш мактабгача таълим соҳасидаги янгиликлар ҳақида маълумотларни, янги чоп этилган адабиётлар, интернет материаллари, замонавий технологиялар билан танишиб бориш, уларда илгари сурилаётган ғояларни умумлаштириш, хулосалаш асосида мустақил лойиҳалар тайёрлаш.

2. Илғор тажрибали тарбиячилар фаолиятини ўрганиш улар томонидан ташкил этилаётган машғулотларни кузатиш, таҳлил қилиш асосида ўз маҳоратини оширади. Бу борада олинган таассуротларни умумлаштириш асосида хулоса чиқариш мақсадга мувофиқдир.

3. Малака ошириш курсларида таълим олиш ва касбий малакаларини узлуксиз ошириб бориш.

4. Илмий анжуманлар ва амалий конференция ҳамда семинар, тренингларда фаол иштирок этиш.

5. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш.

ХУЛОСА

Тарбиячи педагогик ва психологик жиҳатдан ўз ихтисослиги йўналишлари бўйича махсус маълумот, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларга эга ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс саналади. Тарбиячининг педагогик маҳорати бу унинг танлаган касбий фаолият

доирасида эркин ва мустақил ҳаракатланишини таъминлайди. Худди шу омиллар таъсирида педагогик маҳорат қуйидаги босқичларда шаклланади:

- биринчи босқич- репродуктивлик, имитация босқичи;
- иккинчи босқич-ижодийлик;
- учинчи босқич- ижодий новаторлик.

Айнан шу босқичлар асосида тарбиячининг шахсий ва касбий фазилатлари такомиллашади. Тарбиячи тарбияланувчиларни севиш, жамоат ишларида фаол бўлиш, камтарлик, инсонпарварлик, адолатлилик, мулоқотчанликка ҳаракат қилади. Педагогик фантазия ва импровизациянинг намоён қилади. Ижодий фаолият олиб борувчи тарбиячи фақатгина тарбияланувчиларни муваффақиятли ўқитиш ва тарбиялаш, илғор иш тажрибаларини ўрганиш билангина чекланиб қолмасдан, тадқиқотчилик кўникма ва малакаларига ҳам эга бўлиши зарур. Ҳозирги замон тарбиячиси фан ва техника тараққиётининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиши, ўз касбий фаолиятида замонавий усулларни унумли қўллай олиши тақозо этилади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида. Т.: 2019 йил 16 декабрь, ЎРҚ-595-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.12.2019 й., 03/19/595/4160-сон).
2. Мирзиёев Ш.М. 2017- 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор. 29.12.2016 й., ПҚ-2707, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 11-модда, 35-сон, 923-модда.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. 8.05.2019 й., ПҚ-4312. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2019 й., 07/19/4312/3106-сон.
4. Зунунов А., Тўхлиев А., Маъсудов Х. Педагогика тарихи.Т.:2002-187 б
5. Maxsudova M. Muloqot psixologiyasi. 0 ‘quv qo'llanma. Т.: «Turon-Iqbol» nashriyoti, 2006.-119 б.
- 6.Шодмонова Ш. Мактабгача таълим педагогикаси. Т., «Fan va texnologiya», 2008- 160 бет.
- 7 . Хошимов К, Нишонова С. Педагогика тарихи. Т.:2005-304 б.

8. Маматова Х. Мактабгача таълим жараёнида педагогик мулоқотни самарали ташкил этиш йўллари. Республиканская научно-практическая онлайн-конференция "применение современных методов в развитии науки" 2020. -186 с.
9. Маматова Х. Мактабгача ёшдаги болалар ва тарбиячи муносабатининг психологик хусусиятлари. Международный научно-образовательный электронный журнал «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ». Выпуск №11 (том 1) (февраль, 2021).